

Мужтаҳиднинг вазифаси



15:10 / 22.12.2025 746

«Абу Ҳанифанинг сўзини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзидан устун қўйиш» деган гапга тўхталайлик.

Айтинг-чи, ақли жойида бўлган одам Абу Ҳанифа ёки Шофеъийни янги пайғамбар дейдими? Имомни пайғамбар билан тенг кўрадимики, унинг сўзини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзидан устун деб билса?

Имом Шофеъий, имом Молик, имом Аҳмадлар зикр қилинганда имом Абу Ҳанифанинг сўзини уларникидан устун қўйсангиз, буни тушунса бўлади, чунки уларнинг ҳаммаси бирдек мужтаҳид. Лекин Абу Ҳанифанинг гапини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаплари билан бир мартабада дейиш мумкинми?

Бу икки зотнинг вазифалари ҳам бошқа-бошқа. Мужтаҳиднинг иши – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини тафсир қилиб, очиқлаб, тушунтириб беришдир.

Абу Ҳанифанинг сўзида Расулуллоҳнинг сўзларига зид гап келса, Абу Ҳанифадаги баён қилиш вазифаси қаерга кетади? (Шунинг учун Абу Ҳанифа Расулуллоҳга хилоф келиши тасаввур қилинмайди. Зотан, баён қилувчи киши баён қилинаётган зотга қарши гапирмайди).

Бу гап сиз ўқиган битта оҳод ҳадисга зоҳиран зид келаётган бўлиши мумкин, лекин у бошқа мутавотир ҳадисларга ёки ояти каримага асосланаётган бўлиб чиқади ёки бирорта саҳобанинг сиз айтаётган ҳадисни насх қиладиган амалини олган бўлади.

Бир мавзуда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган бир-бирига хилоф ҳадислар жуда кўп. Буларнинг барчаси йигирма уч йил давомида содир бўлган. Ишонмасангиз, «Сунани Абу Довуд»ни ўқиб кўринг: битта мавзуда бир ҳадис муайян ҳукми айтса, кейингисида бошқа ҳадис унга тескари ҳукми ифода қилиб турган бўлади. Табиийки, имом Абу Ҳанифа улардан бирини олса, унга тескарисини тарк этади. Бундан бошқа илож йўқ.

Ҳатто Ибн Абу Лайло: «Киши баъзи ҳадисларни олиб, баъзиларини тарк этмагунича фақиҳ бўлмайди», деган.

Мужтаҳид ҳам ҳадиснинг саҳиҳлиги, усулларга мувофиқ келиши ва шунга ўхшаган қоидаларга асосан ҳадислардан бирини бошқасидан таржих қилади. Мужтаҳиднинг энг катта вазифаси ҳам аслида далилларни жамлаш ёки таржих қилишдир, чунки кўп ҳолларда далиллар зоҳиран бир-бирига хилоф бўлади, мужтаҳид эса: «Бунисига амал қиламиз, бунисига амал қилмаймиз» деб, уларнинг ичидан бизга керагини саралаб беради.

Умумий олганда, унинг вазифаси шу – далилларни тушуниб, бир маъно остига жамлаб бериш. Шу жамлаш асносида мужтаҳид баъзи ҳадисларни қабул қилади, бошқаларини эса бошқа маънога таъвил қилади.

Демак, воқеликда имом Абу Ҳанифанинг бирорта сўзи Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига зид бўлиши мумкин эмас. Мужтаҳид Расулulloҳнинг ҳадисларини очиқлаб, изоҳлаб, танлаб, жамлаб беради, холос. Шундай экан, бу зотнинг бирорта суннатдан юз ўгириши ақлга тўғри келмайди.

Демак, уламоларнинг сўзидан **иккинчи хулоса** қилдик:

Оят-ҳадисдан ҳукм олиш авом одамнинг ҳам, муфтийнинг ҳам иши эмас экан. Бу мутлақ мужтаҳиднинг ҳаққи экан.

Жумладан, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар авом одамлар учун тажвид билан ўқиш, панд-насиҳат олиш, маълум ҳукмларнинг асоси борлигига кўнгилни хотиржам қилиш учун манбадир. Бироқ янги ҳукм олишда авом одам учун улар манба бўлмайди. Авом одам ҳатто ҳадисни

Ўқиб, «Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку», деган гумон ҳам қила олмайди.

Учинчи хулоса: Абу Ҳанифанинг сўзи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини очиқлаб, изоҳлаб беради, аммо ҳеч қачон у зотнинг сўзларига муқобил тура оладиган даражага чиқа олмайди. Зоҳиран Абу Ҳанифа бир ҳадисга хилоф гап айтаётган бўлса-да, аслида у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа бир ҳадисларига суянаётган бўлиб чиқади.

Тўртинчи хулоса: Қуръон оятларини, ҳадиси шарифларни теран англаш керак эмасми? Ўқиб, амал қилиб кетавериладими? Ёки уларни чуқур ўрганиш керакми? Биронта олим «Шундай олиб, амал қилиб кетаверилади» демаган бўлса керак? Нима учун уларни чуқур ўрганиш керак? Чунки ҳадислар ўзаро ихтилоfli ёки қайдлар билан хосланган, ёки мансوخ бўлади, ёки бошқа тўсиқларга учрайди.

Аксар далилларнинг далолати зонний, яъни биз тушунаётган маъносига қатъиян далолат қилмайди. Қатъийлари жуда оз, чиқса бир фоиз чиқади. Қолган барчасининг ё бизга етиб келиши зонний (қатъий эмас) бўлади, ёки маъноси зонний бўлади. Барча оҳод ҳадисларнинг далолати қатъий бўлган тақдирда ҳам, бизга етиб келиши зоннийлигича қолаверади. Ояти карималар, мутавотир ва машҳур ҳадисларнинг эса етиб келиши қатъий бўлгани билан, аксарининг далолати зоннийдир. Шу нуқтаи назардан айтаман: далилларни тушуниш ва уларнинг етиб келишини аниқлаш ҳам доимо ижтиҳодга асосланади. Ҳа, ҳадисларни жамлашдан ташқари, уларни тушуниш ҳам, собитлигини аниқлаш ҳам мужтаҳиднинг вазифасидир. Биз ҳадисдан нима ирода қилинганини инсоний фаҳм билан аниқлашга муҳтожмиз.

Демак, далиллар билан бир қаторда уларнинг изоҳига ҳам эҳтиёж туғилади. Ҳадисларга шундайлигича амал қилинмайди. Тўғри, далолати ҳам, етиб келиши ҳам қатъий бўлса, амал қилиниши мумкин. Лекин бундай далиллар ниҳоятда кам.

Биз ҳатто ўша ҳадисларнинг далолати қатъийлигини аниқлашда ҳам уламоларга мурожаат қиламиз: улар ўша маънога иттифоқ қилишганми, йўқми – шуни билишимиз керак. Далилларни англашда араб тилини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Демак, қатъий далилнинг қатъийлигини билишда уламолар ўша маънога иттифоқ қилганини аниқлаш керак бўлади. Масаланинг ўзаги шундаки, ҳатто қатъийнинг маъносини тушунишда ҳам асос – мужтаҳидларнинг фикридир. Уламолар бир овоздан

айтган бўлса, қатъий ҳисобланади. Бундай далилларнинг ўзи жами бир фоизнигина ташкил қилади. Лекин ихтилоф қилинган бўлса, зонний бўлади. Нима бўлган тақдирда ҳам, биз билан далиллар орасида уларни англаш деган девор туради.

Бу ерда Абу Ҳанифанинг сўзи ҳадисларга муқобил туриши ҳақида гап кетмаяпти. Юқорида Абу Ҳанифа ҳадисларни жамлаб, баъзисини олиб, баъзисини олмаслиги ҳақида гаплашган эдик. Ҳозир гап Абу Ҳанифанинг сўзи биз ҳадисларни тушунишимиз учун ҳам зарурлиги ҳақида кетяпти.

Хўп, Абу Ҳанифанинг англаганини олмасангиз, унда ҳадисларни ўзингиз англашингизга тўғри келади. Демак, олдингизда иккита йўл бор: ё шахсий фикрингиз, ё мужтаҳиднинг фикри. Ўзининг мустаҳкам қоидаларига эга бўлган, буюклигига бутун олам гувоҳлик берган олимнинг фикри, шубҳасизки, сизнинг фикрингиздан афзал бўлади. Далил доим далиллар билан тасдиқланишга, уни англашга боғланган бўлади.

Энди яна бир масала: биз Абу Ҳанифанинг сўзини олиб, далилни тарк этган эмишмиз. Айтинг-чи, илмда юқори даражаларга чиқмаган авом одам бир ҳадиснинг ҳукм олиш учун яроқли ёки яроқсиз эканини қаердан ажрата олади? Ҳатто мазҳаб ичидаги уламолар ҳам бу даражага етган деб саналмайди-ку!

Бир ҳадиснинг фикҳий ҳукм олиш учун салоҳиятли эканини билишимиз учун ўзимизнинг «усулул-фикҳ»имиз бўлиши керак. Гап оят-ҳадисларнинг ўзи ҳақида эмас, балки уларни қандай тушуниш ҳақида кетяпти.

Мени қачон мутаассиб дейиш мумкин? Мен далилларни биладиган катта олим бўлсам, ўз усулимга эга бўлиб, ўша усул орқали бу далил фалон ҳукмни ифода этишини билиб туриб, кейин ўша ҳукмдан юз ўгирсам, унга тескари ҳукмни маҳкам ушлаб олсам, шундагина мутаассиб бўламан. Демак, мутаассиб деган сифат жуда катта уламоларнинг айби бўлиши мумкин, аммо қолганлар далилларнинг фарқига бормаса, қандай қилиб мутаассиб бўлади?

Шу эътибордан, ҳанафий мазҳабини тутган толиби илм ёки муфтий бу даражага етишмагани учун бу айб унга тааллуқли бўлмайди. «Бу ёқда ҳадис турибди-ку, нега Абу Ҳанифанинг сўзини оласан?» десак, «Ахир мен далилларни таҳлил қилишга лойиқ эмасман», дейди. Тўғри-да!

Мен бу гапларни уларнинг ўзлари таассубга берган таърифидан келиб чиқиб айтяпман. Ҳа, биродарлар, ўз гапингиздан келиб чиқяптики, ҳозирги

кунда мутаассиб одам бўлиши мумкин эмас. «Мен далилларни забт қилмаганман», деб турган одам лафзларнинг ҳукм чиқариб олинадиган далолатларини билмаса, носих-мансух оятларни билмаса, далилларни жамлай олмаса, нима ҳам қилсин? Бу ишни жуда катта даражадаги олимлар қилади. Бунинг учун мутлақ мужтаҳид бўлиш керак. Маълум ҳадислардан далил олишимизни биламан, лекин мужтаҳидлардек ҳадисларни мукамал тарзда кўриб, усулул-фиқҳ орқали улардан ҳукм олиш, шоҳид ва мутобаатлар, яъни қўшимча далилларни йиғиб келиш менинг имкониятимдан ташқари иш.

Мен Абу Ҳанифанинг қавлини эшитиб, қабул қилсам, уни ҳадисдан устун қўйган бўлиб қолмайман. Мен у зотни шу соҳанинг имоми деб биламан, ўзим ҳадис оламини у зотдек билмайман, носихию мансухини, муқайядию мутлақини ажрата олмайман. Шунинг учун буларни биладиган имомнинг гапини олдим. Лекин мен бу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини тарк этиб, мутаассиблик қилганим йўқ. Мен билмайман, холос.

Душманлар «Ҳадисни қўйиб, Абу Ҳанифанинг сўзини олиб кетди», дейишади. Ахир бу жуда баланд даража-ку! Бундай зотлар камдан-кам чиқади, ахир. Душманлар ҳанафий мазҳабидаги оддий бир оми одамга ҳам шу таънани қилишади. Бу бечора ниманинг фарқига борадики, ҳадисларни таҳлил қилса!

Мазҳабдаги бу одам тўғри айтяпти, уни айблаётганлар эса хато қилишяпти. У далилни тарк этаётгани йўқ, чунки уни англамайди ҳам. Бу одам Абу Ҳанифанинг сўзини нима учун олди? Унга ишонгани учун, уни жуда буюк олим деб, салаф солиҳлардан деб билгани учун, ўз усули бўлиб, ундан кейин саноксиз олимлар келиб, уни тасдиқлагани учун олди, ҳадисдан юз ўгиргани учун эмас!

Абу Ҳанифа барча далилларни тўплаб, чуқур англаганидан кейингина бир гапни гапирган. Демак, Абу Ҳанифанинг сўзини олиш – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ичидан энг ишончли, энг устунини олиш дегани экан. Биз далилларни ўз ўрнидан чиқариб олишга қудрати етадиган, салаф солиҳлар асрида яшаган, мужтаҳидлигини бутун уммат бир овоздан тан олган имомга ишоняпмиз.

Юқорида кўриб ўтилган беш-олтита масаладан келиб чиқиб, туҳмат қилаётганларга шундай жавоб берамиз:

Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини тушунишда қудрати кенгроқ бўлгани учун, бир ҳадисни тарк этиб, бошқасини олавергани учун, заковати ўткир бўлгани учун, қолаверса, далилларга тишимиз ўтмагани учун Абу Ҳанифанинг сўзига эргашамиз. Бу ишлар – мутлақ мужтаҳидларнинг вазифаси. Шунинг учун ҳам бу зотнинг сўзи олинади, мазҳабига эргашилади, чунки у зот ҳадисларни изоҳлаб беради.

Кимдир сизга «Расулulloҳнинг ҳадисларини олмадинг-а?» деса, қўрқиб кетасан киши. Ҳатто баъзилар: «Суннатга эргашаётганимизнинг ўзи кифоя қилади», деб қўйишади. Биз нима, Тавротга эргашяпмизми унда?! «Биз суннат узрамиз» эмиш. Ҳа, сизлар суннат узрасиз, фақат шайтоннинг суннати узрасиз. Далилларни ўзингизча тушуниб олдингизми? Демак, уларни ўз ҳавои нафсингизга, шайтонингизга қараб тушуниб олгансиз. Ҳавойи нафсингиз тортган тарафга қараб кетяпсиз. Барча уламолар бир овоздан чиқарган қоидаларни оёқости қиляпсиз. Биз эса айнан Расулulloҳнинг суннатларидамыз, чунки у зотдан келган ҳадисларни тўғри тушунишда мужтаҳидларнинг изидан юрмоқдамиз.

Мутаассиблик аслида нима эканини айтиб берадиган одамни топишнинг ўзи мушкул. Мазҳаб тутиш билан мутаассиблик бир нарса бўлса, сизнинг гапингиз бўйича унда бутун уммат мутаассиб экан-да? Таърифингизнинг ўзи ҳақиқатга тўғри келмаяпти. Айтаётган даъволарингиз ҳақиқатдан жуда узоқ гаплар.

Мавзуга яқун ясар эканмиз, яна бир нарсани айтиб ўтайлик: агар мутаассиблик улар айтгандек бўлса, бу уммат ёппасига мутаассибга чиқиб қолади, чунки учинчи асрдан буёғига ер юзидаги барча қозилар, барча муфтийлар, барча уламолар мана шу мазҳаблардан бирига эргашган. Улар мутаассиб, залолатга кетган бўлишса, унда биз мана шу залолатдаги умматга тегишли эканмиз-да? Умматнинг истаган олимини олинг, таржимаи ҳоллари йиғилган китобларни кўрсангиз, охирида ё ҳанафий, ё шофеъий, ё моликий, ё ҳанбалий деган нисбати бўлади.

Бутун уммат залолатда бўлиши мумкинми? Шунча олим тўғри йўлни англаб етмаслиги ақлга тўғри келадими? Бу мазҳабларнинг тўғрилигига уммат ижмоъ қилган. Ҳақ йўл мана шу тўрттасидан чиқмайди.

Ҳанбалий мазҳабининг «Фуруъ» китобида шундай дейилган:

«Шу тўрт мазҳабдан бирига тақлид қилиш тўғри эканига ижмоъ боғланган. Аллоҳнинг ҳузуридаги ҳақ гап ҳам шу тўрт мазҳабдан ташқарида бўлмайди».

Демак, нима экан? «Бу тўрт мазҳабдан бирига тақлид қилишга ижмоъ қилинган, ҳақ ҳам шулардан бирида бўлади», дейиляпти. Бу «Фуруъ» китоби ҳанбалий мазҳабининг энг машҳур китобларидан бири.

Имом Деҳлавий айтадилар: «Ёзилиб, таҳқиқ қилиб чиқилган бу тўрт мазҳабдан бирига тақлид қилиш жоизлигига ҳозирги кунгача барча уламолар ёки мўътабар уламолар томонидан ижмоъ қилиб келинмоқда».

Моликий мазҳаби уламоларидан бири: «Аҳли суннанинг наздида ижтиҳодга лойиқ бўлмаган кишининг тақлид қилиши вожибдир», деган.

Унда олдинги уламоларнинг сўзларидан келтирилган. Китобга қарасангиз, ҳатто Заҳабийдан ҳам нақллар бор. У киши шундай деган эканлар: «Бугун фақатгина шу тўрт мазҳаб қолди, холос. Ҳозир мужтаҳидлар чиқишини қўя туринг, шу мазҳабларни ўрганиб чиққан олимлар ҳам жуда кам қолган».

Демак, Заҳабий «Бу мазҳабларни пухта ўрганиб чиққанларни зўрға топасиз», демоқчи. Ҳақ шу тўрттасидан ташқарида бўлмайди, деган нақлларни юзлаб, минглаб топасиз. Барча олимлар, тарих ва бошқа фан уламолари буни тан олишади.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.